

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАДАЛИЕВ КАМОЛИДИН РАХМАТУЛЛОЕВИЧ**

**ИНФОРМАТИКАДАН МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ЎҚУВ**  
**АДАБИЁТЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ**  
**ДИДАКТИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

**Мамадалиев Камолидин Рахматуллоевич**

Информатикадан модернизациялашган ўқув адабиётларини ва  
электрон дарсликларини яратишнинг дидактик асосларини  
такомиллаштириш

**Мамадалиев Камолидин Рахматуллоевич**

Совершенствование дидактических основ создания  
модернизированной образовательной литературы и электронных  
учебников по информатике

**Mamadaliyev Kamolidin Raxmatulloyevich**

Improving the didactic foundations for the creation of modernized  
educational literature and electronic textbooks in informatics

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАДАЛИЕВ КАМОЛИДИН РАХМАТУЛЛОЕВИЧ**

**ИНФОРМАТИКАДАН МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ЎҚУВ  
АДАБИЁТЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ  
ДИДАКТИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Ped1197 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([cspi.uz/uz/ilmiy-kengash](http://cspi.uz/uz/ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тожиев Мамарежаб**  
педагогика фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Маҳкамов Улфат Илҳамович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Раҳимов Бахтиёр Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45- 41; e-mail: [chdpi\\_kengash@umail.uz](mailto:chdpi_kengash@umail.uz).)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712- 45-41.)

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Қ.Мардонов**

илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.У.Қодирова**

илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, п.ф.д. (DSc)

**У.Н.Ходжамкулов**

илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ўқитиш ва тарбиялаш технологиялари, ўқув-тарбиявий жараёнларни лойиҳалаш асосида таълим-тарбия соҳасини модернизациялаш, таълим-тарбия сифатига ижобий таъсир этувчи замонавий ўқув-тарбиявий адабиётлар ва электрон дарсликларни яратиш орқали таълим хизматлари сифатларини ошириш тенденцияларига мувофиқ интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш амалиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий шахсни шакллантиришда таълим-тарбиянинг илм-фан билан интеграциясига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш, фанларни ўқитишнинг методик тизимини ижтимоий буюртма асосида такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга рақамли технологияларни тизимли жорий этиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунёда таълимнинг ҳар қандай босқичида педагогик жараёнда таълим олувчи шахси имкониятларидан келиб чиқиб яратилган дидактик таъминотдан, электрон ресурслардан фойдаланишнинг методик имкониятларини кенгайтиришга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Доимий равишда янгиланиб турадиган ислохотлар жамиятнинг барча жабҳаларида бўлганидек, олий таълим тизимида ҳам жиддий методик ҳамда ахборотли такомиллашувга асос бўлмоқда. Замонавий педагогик ҳамда ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқув-тарбиявий машғулотлар сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитувчиларнинг ахборот компетенцияси муҳим омил саналади. Бу борада замонавий таълим-тарбияга оид ўқув адабиётларни, айниқса, электрон дарсликларни яратиш ҳамда амалиётга манзилли жорий этиш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини жаҳон стандартлари асосида такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган. “Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”<sup>1</sup> устувор вазифа қилиб қўйилган. Таълим-тарбия жараёнини инновацион педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари асосида яратилган замонавий дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, таълим амалиёти учун чуқур билимли, юксак инсоний фазилатли, ахборот муҳитида эркин ва самарали ҳаракатланадиган, педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаган, янгиликлар яратишга қодир бўладиган кадрлар билан таъминлашни тақозо этади. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими учун ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган талаблар ҳамда таълим-тарбия тизимининг барча соҳалари учун замонавий ўқув адабиётларни яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмлари белгилаб берилган<sup>2</sup>. Натижада таълим жараёнида илмий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Қарори.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги Қарори.

асосланган, педагогик, психологик, методик талаблар инобатга олинган ўқув адабиётлардан фойдаланиш имконияти кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертациянинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маданий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Информатика таълими ва электрон ўқув методик адабиётлар яратишнинг педагогик жиҳатлари А.А.Абдукодиров, С.Р.Ражабов, Х.И.Ибрагимов, Ш.Қ.Мардонов, У.И.Махкамов, Б.Х.Раҳимов, Н.Эгамбердиева ва бошқалар, янги авлод ўқув адабиётларини яратишга хизмат қиладиган ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг педагогик-психологик тамойиллари Б.Зиёмухамедов, Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, П.Т.Мағзумов, Ф.Р.Юзликаев, фанларни ўқитиш бўйича модернизациялашган ўқув адабиётлари ва электрон дарсликларни яратишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, Н.И.Тайлақов, Ш.С.Шарипов, У.Юлдашев, А.Ғ.Ҳайитовлар ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган ҳамда амалиётга методик, техник тавсиялар жорий этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Ю.К.Бабанский, Б.П.Беспалько, М.В.Кларин, В.М.Монахов, Г.К.Селевко, М.А.Данилов, Б.П.Есипов, В.А.Сластенин, Я.И.Лернер ва бошқаларнинг тадқиқотларида педагогик технологиянинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, бўлажак мутахассисларда ахборотли таҳлил малакаларини таркиб топтириш, талабаларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш ҳамда таълимни ахборотлаштиришнинг педагогик, психологик ва дидактик имкониятлари тадқиқ этилган.

Таълимда ахборотли контентни яратиш, очик таълимни ташкил этиш технологияларини амалиётга татбиқ этиш муаммоси хорижлик олимлардан В.С.Влум, С.В.Собб, Р.Н.Дуглас, Г.Пимблея ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида муҳим ўрин тутди.

Информатика таълими соҳасининг таълим йўналишлари учун модернизациялашган ўқув адабиётларини, айниқса, электрон дарсликлар яратиш ва уларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш орқали талабаларнинг ўқув

фаолиятини ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаган. Ушбу муаммолар тадқиқотимиз мавзусининг илмий-амалий ва педагогик аҳамиятини аниқлашга асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-012-сон “Узлуксиз таълим янги авлод ўқув адабиётлари ва унинг электрон дарслигини яратиш методикаси (“Ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” фани мисолида)” ҳамда 2017 йилда бажарилган ЁА1-009-сон “Олий таълим муассасаларида фанларни ўқитишнинг методик тизимини ишлаб чиқиш ва шу асосда инновацион электрон ўқув-услубий мажмуасини яратиш” мавзуларидаги амалий лойиҳа ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** информатикадан модернизациялашган ўқув адабиётлари ва электрон дарсликларни яратиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

информатикадан ўқув адабиётларини яратишнинг ҳолатини таҳлил қилиш асосида модернизациялашган ўқув адабиётларга қўйилувчи талабларни аниқлаш;

модернизациялашган ўқув адабиётлари ва электрон дарсликларни яратиш механизмларини такомиллаштириш;

информатикадан модернизациялашган электрон ўқув материалларини лойиҳалаш асосида ўқув адабиётлари мазмунини такомиллаштириш;

электрон дарсликлардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида педагогика олий таълим муассасалари учун информатикадан модернизациялашган ўқув адабиёт ва электрон дарсликларни яратиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига ҚДПИдан 396 нафар, НавДПИдан 412 нафар, ЖизДПИдан 378 нафар, жами 1186 нафар талаба жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** информатикадан модернизациялашган ўқув адабиётлари ва электрон дарсликлар яратишнинг метод, восита ва технологиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув-методик адабиётлар таҳлили, кузатиш, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, педагогик тажриба-синов, тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

информатикадан ўқув адабиётларини яратишга қўйилувчи методик, дидактик, психологик талаблар фанларни ўқитиш вазифалари (таълимий-тарбиявий, ривожлантирувчи)ни информатикани ўқитиш жараёнига кооперативлик жиҳатдан вертикал ва субъективлик жиҳатдан горизонтал интеграциялаш асосида аниқлаштирилган;

модернизациялашган ўқув адабиётлари ва электрон дарсликларни яратиш механизмлари талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш компетенцияларини шакллантиришнинг репродуктив, продуктив, креатив даражаларини кўзда тутувчи ахборотли контент яратиш тамойиллари(илмийлик, очиклик, ранг-баранглик, кўп танловлик)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

информатикадан модернизациялашган ўқув адабиётлари мазмуни фанларни ўқитишга мослашувчан интерактив (қайта алоқага киришувчи, ўз-ўзини баҳоловчи ва ривожлантирувчи) ўқув материалларини модулларга ажратилган ахборотли-прогнозли ва соҳавий контент-дизайнли лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

информатикани ўқитишда электрон дарсликлардан фойдаланиш моделининг ташкилий-методик компоненти педагоглар ҳамда талабаларнинг ўзаро инновацион фаолиятини дастурли, модулли лойиҳалаш жараёни динамиклигини талабаларнинг фанга оид компетенцияларини мониторинг қилиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълимда ўқув-тарбия жараёнини электрон ўқув адабиётлари, педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш ҳамда фанларни ўқитишда тегишли даражадаги зарур технологик-педагогик компонентларни таъминлаш масалалари “Педагогик тизимнинг бошқаришнинг меъёрий асослари” номли ўқув қўлланмада ёритилган;

“Математика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш” ўқув фанидан назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

информатика соҳаси таълим йўналишлари учун модернизациялашган ўқув адабиётлари, электрон дарсликларнинг янги авлодларини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмлари асосида “Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” янги авлод дарслиги ишлаб чиқилган ва олий таълим амалиётига жорий этилган;

талабаларда ахборот компетенциясини ривожлантиришнинг методик иш тизими ҳамда таълим сифатини оширишнинг дастурли, модулли модели мазмуни асосида “Математика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш” модернизациялашган фанининг намунавий фан дастури ва унинг услубий дидактик таъминоти (методик қўлланма, тавсиялар) яратилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация тадқиқотининг назарий-методолик асослари, информатика ўқув фанлари ўқитиш методикасининг қўлланилиши, модернизациялашган математик статистика методларининг ишончлилиги, самарадорлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқилган методика асосидаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти модернизациялашган ўқув адабиётларидан самарали

фойдаланиш асосида олий таълим муассасаларида таълим сифати самарадорлигини таъминловчи омилларнинг илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, ахборотли ўқитиш тузилмасининг педагогик-технологик компонентларининг аниқлаштирилганлиги, педагог ва талабаларнинг инновацион фаолиятида интерактив ҳамкорликнинг ташкилий-методик вазифалари ҳамда фанни ўқитиш сифатини оширишнинг дидактик тамойилларига асосланган дастурлар, лойиҳалар, электрон материаллар тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланса, амалий аҳамияти АКТ асосидаги таълим сифатини ошириш бўйича ўқув жараёнлари такомиллаштирилганлиги, адабиётларни яратиш бўйича самарали метод ва воситаларнинг ишлаб чиқилганлиги методик қўлланмалар, ўқув методик кўрсатмалар яратилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Информатика таълими соҳасининг таълим йўналишларида ўқитиладиган модернизациялашган ўқув адабиётини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълимнинг бакалавр босқичида ўқув адабиётлари ва электрон дарсликларни ўқитишнинг таълим-тарбиявий ва методик вазифалари асосида информатикадан модернизациялашган ўқув адабиётлари ва электрон дарсликлар яратишни такомиллаштиришга оид таклифлари “Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” янги авлод дарслигини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 17 августдаги буйруғи). Натижада олий таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув материалларни электрон шаклларда лойиҳалаш кўникмасини ривожлантириш жараёнининг дидактик имконияти кенгайган;

“Информатика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” туркумидаги фанларни яратишга қўйиладиган методик талаблар ҳамда ўқув фанларининг такомиллаштирилган мазмуни ва методик тизими асосида модернизациялашган ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар яратишга оид таклифлар 2015-2017 йилларда амалга оширилган А-1-33-“Олий таълим муассасаларида информатика фанининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2084-сон маълумотномаси). Натижада информатикадан янги авлод ўқув адабиётларини яратишга қўйилувчи талаблар ва мезонлар аниқланган;

Ўқув адабиётлар учун ўқув топшириқларни лойиҳалашга қўйилувчи методик-дидактик талаблар асосида контент яратиш бўйича таклиф ва тавсиялардан ЁА-1-012-сон “Узлуксиз таълим янги авлод ўқув адабиётлари ва унинг электрон дарслигини яратиш методикаси (“Ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” фани мисолида)” мавзусидаги ёш олимлар амалий лойиҳасининг тренинглари мазмунини ишлаб чиқишда қўлланилган(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2084-сон маълумотномаси). Натижада “Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш” модернизациялашган фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган ва таълим-тарбия сифати ошишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 32 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Ишнинг асосий ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазибалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Информатикадан модернизациялашган ўқув адабиётларини яратишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида информатика таълими соҳасида “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари очилишининг ижтимоий зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган ва “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишига янги киритилган фанлар туркумидаги информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш фани мазмунига қўйиладиган педагогик талаблар ишлаб чиқилган. Шулар асосида замонавий ўқув адабиётлари ҳамда электрон дарсликлар яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлашга қўйиладиган дидактик талаблар мазмуни такомиллаштирилган.

Таълимга тизимли ёндашув тамойиллари информатика ўқитиш технологиялари ва фан дастури ҳамда замонавий ўқув адабиётларини ўқув материалларини лойиҳалаш асосида яратишнинг методологик асосларидан ҳисобланади.

Информатикадан Давлат таълим стандарти, информатика таълими соҳасининг “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишининг малака талаблари асосида амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги куннинг муҳим вазибаларидандир. Зеро, таълим-тарбия тизими орқали замон талабига жавоб берувчи замонавий кўникмаларга эга ёшларни тарбиялаш ва уларда ахборотлар билан ишлашга мотивацияни уйғотиш кўп жиҳатдан фан ўқитувчисининг касбий компетенцияси, хусусан, ахборот билан ишлаш бўйича тажрибага эгаллигига ҳамда ўқув жараёнини лойиҳалаш малакаларига боғлиқ.

“Информатика ўқитиш методикаси” ўқув фанининг дастурлари таҳлили ушбу ўқув фанлари мазмунида такрорланишлар мавжуд эканлиги кўрсатган. Шунга кўра, олиб борилган тажриба-синовлар орқали ушбу ўқув фанлари мазмунини такомиллаштириш ҳамда “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари ўқув режасига янги ўқув фанларини киритиш бўйича таклифлар берилди.

“Информатика ўқитиш методикаси” таълими йўналиши ва мутахассислигининг ДТС ва ўқув режасининг ишлаб чиқишида фанларни ўқитишнинг таълимий-тарбиявий томони билан биргаликда методик жиҳатдан кучайтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Информатика ўқитиш методикаси бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, ДТСлари жаҳон тажрибалари ва мамлакат, жамият манфаатларидан келиб чиққани ҳолда, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан имкон даражасида унификацияланиб, информатика таълими соҳасида янги очилган “Информатика<sup>3</sup> ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари бўйича ДТС ва ўқув режасига “(Информатика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” (Бешинчи авлод ўқув режасида “Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш” ўқув фани номи билан алмаштирилди) ўқув фанлари киритилди.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фанининг модулли ўқитиш технология тамойиллари асосидаги намунавий, ишчи фан дастури ишлаб чиқилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқланиб, таълим жараёнига жорий қилинди.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фани тузилмаси, замонавий ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари, уларга қўйиладиган методик, дидактик талаблар” номли учинчи параграфда ўқув фани тузилмаси ҳамда шу асосда замонавий ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари такомиллаштирилди ҳамда уларга қўйиладиган дидактик талаблар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Информатикадан модернизациялашган ўқув адабиётларини яратиш технологияси”** деб номланган иккинчи бобда информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фани ўқитиш тамойилларига қонун-қоидалар тизимли ёндашув асосида такомиллаштирилган ҳамда замонавий ўқув адабиётларини яратишга омил бўладиган ўқув фани машғулотлари лойиҳалаштирилган, шунингдек ушбу фанга ўқув, ўқув-методик адабиётлар ва электрон дарслик яратиш ва улардан амалий фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фанини ўқитишнинг мақсади, мазмуни, усуллари, шакллари ва воситалари каби компонентлар ичида ўқув фани мазмуни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уни шакллантириш мураккаб жараёнлигидан келиб чиқиб, ўқув фани мазмунига қўйиладиган методик-дидактик талаблар такомиллаштирилди.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фанидан ўқув материаллари лойиҳаларини тузиб чиқиш ва шунга асосланган ҳолда, замонавий

---

<sup>3</sup> Физика ва астрономия, кимё, биология, география, тарих, информатика ўқитиш методикаси.

ўқув адабиётларини яратиш рақамли технологияларга ўтиш даврининг долзарб масалаларидан бири бўлиб, уни таълим-тарбиядаги инновация деб таърифлаш жоиз.

Замонавий ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган замонавий талаблар (2-расм) асосида информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фани мазмунига қўйиладиган замонавий дидактик талаблар такомиллаштирилди (3-расм).

### **Ўқув фани мазмунига қўйиладиган замонавий дидактик талаблар.**

Педагогик технологиянинг миллий инновацион модели асосида информатика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ҳамда ўқув фани ўқув материалларининг мазмуний ва тузилмавий лойиҳаси ўзаро узвий боғлиқ бўлган қуйидаги тамойилларга асосланиб шакллантирилади:

ўқув материаллари лойиҳасининг прогностик йўналганлиги;

назария ва амалиётнинг мажмуавий узвийлиги;

дидактиканинг қонун, қоидалари устуворлиги;

ўқув материаллари мажмуасининг барча таркибий қисмларини ўзаро функционал боғлиқлиги;

билимларни мустақил равишда эгаллашга йўналтирилган мотивацион ўқув топшириқларига урғу бериш;


ўқув материали орқали ўзлаштирилган билимларнинг хотирада сақланишини таъминловчи кўргазмалилик;

мақсад ва натижаларнинг бўлишли феъллар шаклида бўлиши;

кичик модуллар ичидан таянч тушунчаларни ажратишга қулай схемалар, жадваллардан самарали фойдаланиш;

ҳар бир модул ва ҳар бир мавзулар якунида талабаларнинг билимларини рефлексив тарзда баҳолаш имконини берувчи репродуктив, продуктив, ижодий топшириқларнинг тизимли берилиши.

Ушбу тамойилларга устуворлик бериш орқали ҳамда тадқиқот доирасида олиб борилган дастлабки кузатишлар натижаларининг таҳлилига асосланган ҳолда Информатика ўқитиш жараёнини замонавий методик адабиётлар билан таъминлашнинг дидактик тузилмаси такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Информатика ўқув фани тузилмаси**

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фани янги авлод ўқув адабиётлари талабага янги билимларини беришнинг муҳим манбаси ҳисобланиб, фан дастури асосида ишлаб чиқилган дарслик ва ўқув қўлланма таълим йўналиши МТларига мувофиқ талабалар томонидан билимларни эгалланишида ўқитиш мазмуни ва сифатини белгилаб бериши билан биргалликда, фан ўқитувчисининг иш фаолиятини ҳам ташкил қилиб беришдир.




**2-расм. Информатикадан замонавий ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар**

Таълим-тарбия мазмуни ва ўқитиш жараёни ўзаро узвий боғланган бўлиб бири иккинчисиз маънога эга бўлмайди. Ўқув адабиёти бир вақтнинг ўзида таълим мазмуни, унинг турли элементлари қайд этилган шакллари жамланган захира, ўқув жараёнининг лойиҳаси сифатида кўрилиши мумкин. Унда ўқитишнинг мазмуни ва жараёнли жиҳатлари узвий ва ягона шаклда амалга оширилади, яъни ўқув адабиёти таълимнинг замонавий мазмуни ҳамда ўқув жараёни лойиҳаси сифатида хизмат қилади. Шу боис дарсликдаги ўқув материалларини лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, дарсликнинг асосий вазифаси, таълим-тарбия мазмунининг талабалар томонидан ўзлаштирилишига хизмат қилади. Талабага ахборотларни етказиб бериш, дарсликда матн ва иллюстрациялар орқали тақдим этилган таълим мазмун-моҳияти ёритилади.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш дарслигида “Муаммоли ўқитиш технологияси ва ундан информатика дарсларида фойдаланиш” мавзуси берилганда унинг матн ва иллюстрациясига эътибор қаратилади.

Таълим жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқори даражада фойдаланишнинг умумий қонуниятлари қуйидагилардан иборат:



### 3-расм. Информатикадан ўқув фани мазмунига қўйиладиган замонавий дидактик талаблар

1. Ўрганилаётган мавзу материаллари юзасидан муаммоли саволлар мажмуасини тузиш.
2. Тузилган муаммоли саволлар мажмуаси асосида суҳбат методи орқали тушунтириладиган мавзу материалининг моҳиятини очиб бериш.
3. Муаммоли саволлар асосида изланиш тавсифидаги ўқув вазифаларини қўйиш.

Юқоридаги босқичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда талабалар ўзлари тезда тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч келадилар, натижада ўрганилаётган мавзу материали билан талабалар орасида муаммоли вазият ҳосил бўлади.

Муаммоли вазиятнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш талабаларнинг тез фикрлаш фаолиятини психологик, педагогик қонуниятларни ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш муаммоли таълимнинг асосий ғоясини белгилаб беради. Муаммоли таълимда билимнинг деярли катта қисми талабаларга тайёр ҳолда берилмайди, балки талабалар томонидан муаммоли вазиятларни мустақил ҳал қила билиш фаолияти жараёнида эгаллаб олинади.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фанидан электрон дарслик ва уни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган. Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш электрон дарсликка Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди ҳамда таълим амалиётига жорий этилди.

Диссертациянинг **“Информатикадан педагогик тажриба-синовни ташкил қилиш ва ўтказиш”** - деб номланган учунчи бобда ўқув фани янги авлод ўқув адабиётлари сифатини баҳолаш ва педагогик тажриба-синов дастури, педагогик тажриба-синов натижаларининг миқдор ва сифат томондан таҳлили ёритиб берилган.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фани янги авлод ўқув адабиётларини яратишда олий таълим муассасалари (ОТМ) янги авлод ўқув адабиётларининг таълим амалиётида жорий қилинишида бериладиган баҳо асосий мезон ҳисобланилиб, унда мураккаблик даражаси талабанинг бугунги кун ва келажакдаги онги, қобилияти ва кўникмаларининг ривожланишига олиб келиши зарур.

Тадқиқот ишида эксперт гуруҳи методидан фойдаланиб, информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш янги авлод дарслиги сифатини баҳолаш ТДПУ, ЖизДПИ, НавДПИ ва КўқДПИда амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларида ОТМларнинг турли босқич талабаларидан 1186 нафар респондент иштирок этди.

Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фани ўқув машғулотларини лойиҳалаб ўқитиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилган. Илмий-тадқиқот юзасидан тажриба-синов ишлари 2012-2020 йилларда ўтказилди.

Танланган йўлдан оғишмаслик мақсадида педагогикада баҳолашнинг ахборот таъминоти ва технологиясига хос бўлган фақат методик жиҳатларгагина тўхтаб ўтилиб, статистиканинг танланма методи кенг қўлланилди, танланмада репрезентативликнинг мажорантлик тамойилидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларини қайта таҳлил этишга оид аксарият математик-статистик методларда илгари сурилаётган ғояга кўра, қайта таҳлил айнан тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба-синовда қатнашаётган талабаларнинг тажриба якунида қўлга киритган кўрсаткичлари ўртасидаги фарққа кўра, тадқиқот самарадорлигига баҳо берилади. Ана шу мақсадда Стьюдент ва  $\chi^2$  – хи квадрат методлари ғоясига мувофиқ тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг биринчи босқич якуний кўрсаткичлари билан иккинчи, учинчи ва якуний босқич кўрсаткичлари ўзаро таққосланди.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда, талабаларда информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш фани ўқув, ўқув-методик адабиётлари, электрон дарслигини яратиш ҳамда улардан амалда фойдаланиш методикасининг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба, назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришлари Стьюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба гуруҳида 598 нафар талаба, назорат гуруҳида 588 нафар талаба иштирок этди.

1-жадвал

Тажриба-синов бошланиши ва якунидаги натижалар кўрсаткичи

ОТМ	Гуруҳлар (талабалар сони)	Ўзлаштириш даражалари					
		Тажрибадан кейин			Тажрибадан олдин		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
ҚДПИ	Тажриба гуруҳи (204 нафар)	105	82	17	65	75	64
	Назорат гуруҳи (192 нафар)	64	66	62	67	63	62
ТДПУ	Тажриба гуруҳи (201 нафар)	109	77	15	68	74	59
	Назорат гуруҳи (211 нафар)	74	76	61	70	73	68
ЖДПИ	Тажриба гуруҳи (193 нафар)	103	74	16	58	72	63
	Назорат гуруҳи (185 нафар)	62	64	59	57	70	58
Жами:	Тажриба гуруҳи (598 нафар)	317	233	48	191	221	186
	Назорат гуруҳи (588 нафар)	200	206	182	194	206	188

Масала моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳи талабалари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринли, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.



Юқоридаги жадвалга, асосан, талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотеза танланади.

2-жадвал

Тажриба-синовнинг якуний натижалари

Белгиланган вақти	Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажрибадан олдин	Тажриба гуруҳи	598	191	221	186
	Назорат гуруҳи	588	194	206	188
Тажрибадан кейин	Тажриба гуруҳи	598	317	233	48
	Назорат гуруҳи	588	200	206	182

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



4-расм. Тажрибадан олдин 5-расм. Тажрибадан кейин

Олинган натижаларга асосланган ҳолда, математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

3-жадвал

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$k$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$	
2,01	2,01	Тажрибадан олдин самарадорликка эришилмаган									
2,45	2,03	0,4075	0,6491	1	2	10	1157,14	106,21	0,05	0,07	

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Маълумки,  $\bar{X}=2,45$ ;  $\bar{Y}=2,03$   $\Delta_x=0,05$ ;  $\Delta_y=0,07$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,45 - 0,05}{2,03 + 0,07} = \frac{2,4}{2,1} = 1,14 > 1;$$

$$K_{dob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,45 - 0,05) - (2,03 - 0,07) = 2,4 - 1,96 = 0,44 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонининг бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталигини кўриш мумкин. Шундай қилиб, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги исботланди.

Демак, талабаларда информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш фани ўқув, ўқув-методик адабиётлари, электрон дарслик яратиш ҳамда улардан амалда фойдаланиш методикаси юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

## ХУЛОСАЛАР

Диссертацияда информатика таълими соҳасининг “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилди ва шу асосида ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш фанлари ўқув ва ўқув-методик адабиётлари ҳамда электрон дарслик яратилди ва улардан амалда фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

Информатика таълими соҳасининг “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш назарий томондан асосланди ҳамда тадқиқот иши асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Информатика таълими соҳасининг “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари очилишининг ижтимоий зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди ва янги киритилган фанлар туркумига доир ўқув адабиётлари таҳлил қилинди ҳамда ўқув адабиётлари ва электрон дарсликларнинг янги авлодини яратиш принциплари ва уларни тайёрлаш механизмлари ишлаб чиқилди.

2. Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фанларига доир қонун-қоидалар ва диалектика қонунлари билан тизимли ёндашув ҳамда педагогик технология тамойиллари такомиллаштирилди ва шу асосда “Информатика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” туркумидаги фанлар мазмуни белгилаб олинди.

4. Информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фанларини яратишга омил бўладиган ўқув машғулотларини лойиҳалаш методикаси такомиллаштирилди ҳамда амалда фойдаланиш методикаси тажриба-синовдан ўтказилди, унинг натижалари асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Олий таълимнинг бакалавр босқичидаги информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фанларидан шу туркумдаги фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратиш методологик томондан асосланди. Ушбу фанларни ўқитишнинг методик тизимли ва ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиб ўқитиш, улардан амалда фойдаланиш методикаси талабаларнинг ўқув фаоллигини ривожлантириш имконият яратади ва ўқитиш сифат ҳамда самарадорлиги оширилишга олиб келади.

Информатика таълими соҳасининг “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга асос бўладиган тамойиллар ва уларни тайёрлаш механизмлари, педагогика таълими соҳасида АКТларнинг қўлланилиши ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш фанларидан ўқув ва ўқув-методик адабиётлари, электрон дарсликлар яратилиши ҳамда улардан амалда фойдаланиш методикасининг ўқув жараёнига қўлланилиши таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

## **ТАВСИЯЛАР**

1. Мактабгача, халқ таълими, ўрта махсус, олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳамда касбий таълим тизимига оид янги авлод ўқув адабиётларини лойиҳалаш методи орқали яратиш.

2. Информатикадан яратиладиган янги авлод ўқув адабиётларига таълим-тарбия олувчиларнинг келажакда касбий (мустақиллик, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, креативлик каби) сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув материалларини сингдириш.

3. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари ўқув режасига информатика ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш ўқув фани янги авлод ўқув адабиётлари мажмуасини киритиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**МАМАДАЛИЕВ КАМОЛИДИН РАХМАТУЛЛОЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ ОСНОВ СОЗДАНИЯ  
МОДЕРНИЗИРОВАННОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И  
ЭЛЕКТРОННЫХ УЧЕБНИКОВ ПО ИНФОРМАТИКЕ**

**13.00.01 - Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Ped1197.**

Докторская диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (cspi.uz/uz/ilmiy-kengash) и в информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Тажиев Мамарежаб**  
доктор педагогических наук

**Официальные оппоненты:** **Махкамов Улфат Илхамович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi\_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол протокола рассылки № \_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ш.К.Мардонов**  
председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

**Ф.У.Кадирова**  
ученый секретарь научного  
совета по присуждению ученых  
степеней, д.п.н. (DSc)

**У.Н.Хужамкулов**  
председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н. (DSc)., доцент

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Особое внимание в мире уделяется практике развития интеллектуального потенциала в соответствии с тенденциями учебно-воспитательных технологий, модернизации образования на основе проектирования образовательных процессов, созданию современной учебной литературы и электронных учебников, в соответствии с тенденциями создания современной учебно-воспитательной литературы и электронных учебников, положительно влияющих на качество образования. В странах где развиты образование и наука проводятся обширные исследования в области образования, профессиональной подготовки и науки с целью разработки методической системы преподавания предметов и уроков, а также совершенствования содержания образования на основе цифровых технологий.

Широкое использование современных педагогических и информационных технологий в мировой системе образования делает большие успехи в повышении качества и эффективности образовательной деятельности. Постоянно обновляемые реформы являются основой серьезных реформ в системе высшего образования развитых стран, а также во всех сферах жизни общества. В связи с этим большое значение имеет создание и широкое внедрение современной учебной литературы, особенно электронных учебников, в практику.

Это требует подготовки кадров в системе образования страны, знающих свое дело, обладающих современными педагогическими и информационными технологиями, способных создавать инновации в своей области, а также обеспечивающих учебный процесс современными учебниками и учебной литературой на основе инновационных педагогических, информационных и коммуникационных технологий. В Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №816 «Об обеспечении вузов учебной литературой» от 10 октября 2018 года определены «Требования к созданию учебной литературы для высшего и среднего специального, профессионального образования»<sup>4</sup>, принципы создания учебной литературы для всех сфер учебно-воспитательной системы и механизмы ее подготовки. То, что задача «создание системы подготовки высококвалифицированных кадров, вносящих достойный вклад в устойчивое развитие социальной сферы и экономики, способных найти свое место на рынке труда» в Указе Президента Республики Узбекистан года №УП-5847 «Концепция развития высшего образования в Республике Узбекистан до 2030 года»<sup>5</sup> от 8 октября 2019 поставлена как приоритетная, тесно связано с созданием нового поколения современных учебно-методических материалов и их широким применением в учебном процессе.

Данное исследование диссертации служит в определенной степени в осуществлении задач определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики

---

<sup>4</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 октября 2018 года №816 «Об обеспечении высших образовательных учреждений учебной литературой».

<sup>5</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года №УП5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года».

Узбекистан», от 7 февраля 2017 г., а также №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию система высшего образования», от 20 апреля 2017 г., №ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия секторов и отраслей экономики в повышении качества подготовки квалифицированных специалистов» от 27 июля 2017 г., №ПП-3775 «О дополнительных мерах по совершенствованию качество образования в высших учебных заведениях и обеспечение их активного участия в комплексных реформах» от 5 июня 2018 г., а также других нормативно-правовых актах.

**Соответствие диссертации приоритетам развития науки и технологий республики.** Исследование диссертации выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования системы инновационных идей и их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, культурном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования проводились по теоретико-методологическим подходам к созданию модернизированной учебной литературы нового поколения в системе компьютерного образования, включая изучение учебно-методической литературы, методы создания электронных публикаций и их практическое применение. Педагогические аспекты научных исследований по информационному обучению и созданию учебно-методической литературы нашли свое отражение в научных работах ученых А.А.Абдуқодирова, Ч.Р.Раджабова, Х.И.Ибрагимова, Ш.Қ.Мардонова, У.И.Махкамова, Б.Х.Раҳимова, Н.Эгамбердиевой и Дж.Хасанбаева, также ученых из стран СНГ Ю.К.Бабанского, М.А.Данилова, Б.П.Есипова, Я.И.Лернера, а психолого-педагогические принципы проектирования учебного процесса, которые служат для создания учебной литературы нового поколения раскрыты в различной степени в научных работах таких ученых, как Б.Зиёмухамедов, Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, П.Т.Мағзумов, Ф.Р. Юзликаев; сущность, цели и задачи педагогических технологий в образовании, а также проблемы их применения в образовательном процессе играет важную роль в исследованиях таких зарубежных ученых как Б.П.Бецпалко, М.В.Кларин, В.С.Влоом, С.В.Собб, Р.Н.Дуглас, G.Pimbley и в исследовательской работе таких педагогов из СНГ как В.М. Монахов, Г.К. Селевко.

Ученые нашей страны такие как Н.Н.Азизхожаева, Р.Х.Джураев, Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Муслимов, Н.Нишоналиев, М.Очилов, Н.Сайидахмедов, Ў.Толипов также сыграли важную роль в решении задач совершенствования педагогической технологии (ПТ) и ее применения в учебном процессе.

Практические аспекты применения ПК в учебном процессе и работы по оформлению уроков естествознания можно увидеть в исследованиях А.Алимова, Л.В.Голиша, Х.Каршибаева, А.Мавлянова, М.Тажиева, Д.М.Файзуллаевой и других.

Одновременно проводились научные исследования по образовательным направлениям информатики, теоретико-методологического и методологического инструментария для создания учебников нового поколения,

создания и использования модернизированных учебников и электронных учебников. В частности, роль информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в создании модернизированной учебной литературы и электронных изданий заслуживает внимания в работах М.Арипова, У.Ш.Бегимкулова, Ф.М.Закировой, Н.И.Тайлакова, Ш.С.Шарипова, У.Юлдашева, А.Ғ.Ҳайитова и других и в данном исследовании они использовались как важные аспекты.

Исследования зарубежных педагогов ученых как V.S.Bloom, C.W.Cobb, G.Pimbleулар, педагогов-ученых из СНГ Б.П.Беспалько, В.М.Монахов нашли свое отражение в создании модернизированной учебной литературы, их применении в учебном процессе. Особое внимание уделяется общим закономерностям педагогического процесса в высшей школе и проблемам создания модернизированных учебников являются полезными технологиями для профессиональной подготовки будущих учителей. Для освещения принципов и механизмов создания нового поколения учебной литературы по информатике, системного подхода к законам диалектики и принципам педагогической технологии при проектировании уроков педагогической науки нового поколения данная диссертационная исследовательская работа взята за основу.

Несмотря на то, что в упомянутом исследовании выдвигаются научно значимые взгляды на проблемы обучения студентов с использованием современных образовательных технологий, обучение информатике объединяется путем создания модернизированной учебной литературы для образовательных областей, в частности электронных публикаций, и их использования в учебном процессе, недостаточное внимание уделяется развитию образовательной деятельности. Эти задачи были призваны определить научно-практическую и педагогическую значимость темы нашего исследования.

**Связь исследования с планами научно-исследовательской деятельности вуза, в котором выполнена диссертация.** Диссертация выполнена в рамках проекта по плану научно-исследовательской работы Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области по теме № ЁА-1-012 «Непрерывное обучение нового поколения учебников и методика создания электронных учебников (на примере «Учебные технологии и проектирование»); ЁА1-009 по теме «Разработка методической системы преподавания предметов в высших учебных заведениях и создание на ее основе инновационного электронного учебно-методического комплекса».

